

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 20-iyul • №29 (4168)

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ЮКСАК МАЛАКА — МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ бошқа соҳалар қатори миллий маданиятимиз ва санъатимиз равишга ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бу борада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юрталари фаолиятини яхшилаш, театр санъати, миллий рақс ҳамда хореография санъати

ривожлантириш, музейлар фаолиятини такомиллаштириш, театр санъатини ривожлантириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш юзасидан чиқарилган Президент фармонлари ва қарорлари муҳим аҳамияти касб этаётир.

Зеро, инсон қалбига йўл топиш, унинг руҳий-маънавий камолотини таъминлашда маданият ва санъатнинг ўрни бекиёсдир. Санъат инсон қалбига йўл очувчи муҳим омил бўлиб, бутун жамият ҳаётининг маънавий юксалишига замин яратди. Мамлакат ва миллат келажаги, овоз ва обод Ватан барпо этиш, демократик, ҳуқуқий давлат, фу-

қаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси ҳам шунда. Мазкур соҳалар равнақи учун юксак малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ва шу йўналишдаги олий таълим муассасаларида мавжуд моддий-техник базасидан янада самарали фойдаланишни ташкил этиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борада айна мудио бўлди. Қарорга асосан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон давлат санъат институти негизда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

ташкил этилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, фаолият йўналишлари нисбатан бир-бирига яқин бўлган мазкур олий ўқув юрталарини бирлаштириш жамиятимизнинг бугунги ижтимоий-маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан. Бинобарин, жамиятни

Муносабат

ривожлантириш ва модернизациялаш, баркамол инсонни тарбиялаш маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиети анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассислар тайёрлашни тақозо этади.

Давоми бешинчи саҳифада.



Ўша кунини Гафур Гулом номидаги Маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрган дам олувчилар одатдан ташқари антиқа томошанинг гувоҳи бўдилар. Боғ дарвозаси олдида карнай-сурнаю новоралар садоси остида қўлларидан ранг-баранг шарлар тутган турли қиёфадаги қўғирчоқлар гуруҳи рақс бошлади. Уларнинг ортидан кичик вагончаларда ўзбек халқ эртақлари қаҳрамонлари қиёфасидаги қўғирчоқларнинг қўлларига кийгизиб олган актёрлар кўринди.

ҚЎҒИРЧОҚ САЊЪАТИ БАЙРАМИ

Ён-атрофни ўраб олган катта-кичи болаларнинг кўзларида қувонч порлайди, ҳаммаёқни дам олувчиларнинг шодон кулгилари тутиб кетган. Дарвоза олдидаги томошадан сўнг ҳамма боғнинг ёғи театрга йўл олди. Турли вилоятлардан келган қўғирчоқлар гуруҳлари ясаган қўғирчоқлардан иборат кўргазма ҳамманинг диққатини тортиди.

Кўргазмадаги халқимизнинг бой тасавури, ҳаётий тажрибаси акс этган, кийимлари, юз-кўзларида ўзбекона самимият барқ уриб турган, турли хомашёлардан ясалган, ўзига хос услубдаги ранг-баранг қўғирчоқлар барчага завқ улади.

— Санъатга ҳавасманд қалблардан ёмонлик чиқмайди, — дейди фарғоналик қўғирчоқсоз уста Шохсанам Худойбердиева. — Фарзандларимизни Ватанга, оилага садоқат руҳида тарбиялашимизда, эстетик дидини ўстиришимизда, уларнинг қалбига эзгулик, меҳнатсеварлик, меҳр-мурувват, ота-онага ҳурмат каби инсоний фазилатларни камол топтиришимизда қўғирчоқлар ва қўғирчоқ театрларининг ўз ўрни

бор. Қўғирчоқлар миллий маданиятимиз, маънавиятимизнинг ажралмас қисми, тарбия воситаси. Бу эса миллий қўғирчоқларни ясаш, уларга либослар тикишни ўргатувчи биз каби ҳунармандлардан фидойилик, меҳнат ва катта масъулиятни талаб этади.

Дарҳақиқат, Президентимиз "Ўзбек маънавият — енгилмас куч" асаридида таъкидлаганидек, "Бу масалада ҳам олиб борадиган инсонлар нафақат педагог, психолог ёки дизайнер бўлиши, шу билан бирга, тарихимиз ва маданиятимизни ҳар томонлама чуқур билиши лозим. Шу маънода ўйинчоқ ва қўғирчоқлар тарихимиздаги ибратли қаҳрамонлар, халқимизнинг бой ва бетакрор эстетик дунёсини акс эттирадиган персонажлар, миллий қадриятларимиз асос қилиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди". Эътиборли жиҳати шундаки, уста қўғирчоқсозлар ўзлари билан шогирдларини ҳам олиб келишган. Улар ёш бўлишларига қарамай, кўргазмада турли номдаги бириридан ажойиб қўғирчоқларини намойиш этишди.

Давоми олтинчи саҳифада.

КЎЗ ОЧАЁТГАН ЧАШМАЛАР

Халқ озгаски ижоди ноёб миллий дурдона. Вазирлар Маҳкамасининг 2010-2020-йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастури тўғрисидаги қарори юзасидан ишлаб чиқилган режаларда юртимизнинг қадимий фолклор ва анъанавий ижрочилик санъатини қолган Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Хоразм, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон ва Фарғона водийси бўйлаб фолклор экспедициялари уюштириш тadbирлари белгиланган.

Дарҳақиқат, халқ озгаски ижоди намуналарининг сақланиб қолган нусхаларини ёзиб олиш, ўрганиш, тадқиқ қилиш, зарурларини нашрга тайёрлаш келажак авлод олдидаги бурчимиздир. Аммо бу вазифани битта мутахассис, зиёли ёки олимнинг ўзигина бажара олмайди. Юртимиз вилоятларида фаолият кўрсатаётган университетларнинг ўзбек филологияси факультетлари талабаларини фолклор экспедицияларига жалб қилиш, тўплаган материалларни синчиклаб ўрганишига муайян самара беради. Утган ярим аср давомида кўлга киритган тажрибаларимиз асосида айтиш мумкинки, халқ озгаски ижодига нисбатан меҳр уйғотишда, илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда фолклор экспеди-

циялари асосий омил бўлиб қолмоқда. Айниқса, ёш мутахассиснинг илмий излашини халқ озгаски ижодига йўналтиришда вилоятларда яшаётган ёши улуг бобою момолар билан жонли суҳбатлар ўтказиш, ёзиб олинган асарлар юзасидан қизгин мунозаралар уюштириш яхши натижа бермоқда.

Тўғри, ҳар бир экспедиция муайян молиявий харажати талаб қилади. Аммо университетларда "Ўзбек халқ озгаски ижоди" назарий курсини олиб боровчи устозлар ташаббуси билан ички имкониятлар ишга солинса, талабалар ўртасида зарур мулоқот ўрнатилса мақсадга эришиш мумкин.

Давоми олтинчи саҳифада.

МИЛЛИЙ МАТОЛАР ЖИЛОСИ

Аёллар ҳуснига ҳусн қўлувчи, табиатнинг минг бир жилосини жамлаган атлас, адрас каби миллий матоларимиз тарихи минг йилларга бориб тақалади. Олимларнинг аниқлашича, Марғилон атласи Миср, Юнонистон, Эронда ҳам машҳур бўлган. Афсуски, утган асрнинг иккинчи ярмига келиб атлас ишлаб чиқарувчи йirik корхоналарнинг ташкил этилиши табиий илглардан тайёрланадиган матоларни, айниқса, адрас ишлаб чиқаришни чеқлаб қўйди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий ҳунармандчилигимизнинг кўпга турлари қатори атлас ва адрас тўқилиш анъаналари ҳам қайта тикланди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағнамасининг "Art Week Style. Uz" санъат ҳафталиги доирасида ўтказилган моддалар кўргазмаси ўзбек матоларини дунёга машҳур қилди. Халқро маданият қарвонсаройида очилган навбатдаги кўргазма ҳам миллий матоларимизга бўлган қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатди.

Япония Халқро ҳамкорлик агентлиги ҳамда Токио қишлоқ хўжалиги университети билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир "Фарғонада ипакчилик билан шуғулланувчи фермерларнинг қўшимча даромадларини ошириш" лойиҳаси доирасида ўтказилаётган бўлиб, унда япон усталарининг турли услубдаги ишлари намойиш этилмоқда. Кўргазмадан ўрин олган ишларни кузатар экансиз, атлас ва адрасдан бежирим уй-рўзгор буюмлари яратиш мумкинлигига гувоҳ бўласиз. Жумладан, дид билан ишланган нафис дастурхон, олиғич, чойнак учун ёпқичлар, ўйинчоқ ва тақинчоқлар томошабинларга манзур бўлмоқда.

Хилола АБДУРАҲМОНОВА

Муборак Рамазон ойи кунларида мўмин-мусулмонлар рўза тутиб, тоатибодат билан Аллоҳ таолога шукрона келтирадидлар. "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги Президент қароридида таъкидланганидек, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳлилик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатлар-

— Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим. Аввало барча юртдошларимизни муборак Рамазон ойи билан қутлаймиз. Истиқлол шарофати ила миллий ва диний қадриятлар-

ни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашда муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти юксакдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Ҳожи Абдуравоқ ЮНУСОВга мурожаат қилиб, мазкур айёмни ўтказиш билан боғлиқ муҳим мезонлар ҳақида сўзлаб берганини сўрадик.

бани турли губорлардан фориғ этади. Президентимиз қарориди Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва урф-одатларимизга мос равишда

РАҲМАТ ВА МАҒФИРАТ ОЙИ

римизга эркинлик берилиб, Рамазон, ҳайит каби ибодат ва маросимларни мукамал адо этиш, фазилатли кунлар шарофатидан кенгрок баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдиқ. Ана шундай саодатли дамларимиз Рамазон ойи билан боғлиқ бўлиб, бу ойда тутилган рўза амали инсонда ўз нафсини бошқара олиш, сабр-қаноатли бўлиш, мақсад сари собиқадимлик билан интилиш каби фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Бу фазилатларни касб этидан инсон эса ҳаётда дуч келадиган ҳар қандай тўсиқларни осонлик билан енгиб ўта олади. Рўза инсонни ҳалол-поқликка даъват этади, унинг қал-

ўтказиш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилган. Унда виждон эркинлиги-

таъминлаш, буюқ алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш бораидаги кенг қўламли ишларимизни тарғиб этиш, ушбу қўтлуғ ойда амалга ошириб келинадиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз", дейилгани бежиз эмас.

Давоми иккинчи саҳифада.

Рухият оқимларида

— Она тилидан иншо ёздингми? — Йўқ, негадир шу иншо ёзишга йўқман-да... Ёшимда кетайтган, чамаси 6- ёки 7-синфларда ўқийдиган ўқувчи қизларнинг бу гапларини эшитиб хаёлим бўлинди. Шу сабаб бўлибми, университетта етиб боргунча мактаб даврида иншо, баён, диқтант ёзганларим ёдимга тушиб кетди. "Ким бўлсам экан?", "Мен севган адиб", "Мен ёқтирган адабий қаҳрамон", "Табиятдан олган таассуротларим"... эҳ-ҳе, мактабни битирганимизча қанчадан-қанча мавзуларда катта-кичик иншолар ёзгандик. Балки ўша кезларда халиги қизларга ўхшаб иншо ёзаверишдан нолигандиримиз. Аммо бугун ўйлаганларимни қозоғга тушира олишимда ўша диқтантлар, иншоларнинг аҳамияти жуда катта, десам ишонверинг.

Айрим ўқувчилар орасида иншо ёзишга эринадиганлар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам йўқ эмас. Бироқ мактаб дастурига диқтант, баён, иншо ёзиш дарслари киритилганлиги, муаллимларимизнинг иншо ёзишни ўрганиш жуда зарурлигини қўйиб-ёниб таъкидлашлари бежиз эмас экан.

"Иншо" сўзи аслида арабча бўлиб, яратиш, юриш, ижод каби маъноларни англатади. Бошқача айтганда, ҳар бир ўқувчининг ижод боғидаги илк ниҳоли иншо. У ўқувчининг ўзигагина тегишли дастлабки ижодий мулки. Уни ёзишда маълум мейёрлар ҳам мавжудки, улар биланнинг фикр-

ўйларини чегараламайди, аксинча, янада аниқроқ баён этишга тиргақ бўлади.

Иншо ёзиш ўқувчидан машаққат чекишни талаб этиши рост. Ахир, бирор адиб ёки асар ҳақида ёзишдан аввал, у билан танишмай бўладими? Ўқувчи иншо мавзуси доирасида қўшимча адабиётларга мурожаат қилади, ижодий изланади. Бор билимларини бойитади, тасаввурини кенгайтиради, ўз устида мустақил ишлашга секин-аста кўникма ҳосил қилади. Мустақил фикрлашни ўргатишда ҳам

ИНШО ЯРАТИШ ДЕМАҚДИР

иншо матнларининг ўз ўрни бор. Бутун синфга бир хил мавзу берилса-да, пировардида турли-туман, бир-бирига ўхшамаган мулоҳазалар юза беради. Чунки ҳар бир иншо муаллифи алоҳида бир дунё, унинг ижоди эса ўша олам томон очилган дарча. У ўз ўйларини қозоғга туширишдан аввал фикрлайди, мулоҳаза юратади. Шу тариха шаклланиб келаятган шахсдаги мустақил фикрлаш долзарб ҳусусият касб эта боради.

Уз фикр-мулоҳазаларининг, ўй-хаёлларининг қозоғга тушира олиш ҳам санъат, деб ўқигандим бир китобда. Иншо, баёнлар мана шу санъатни эгаллашда илк пиллапояр бўлиб, ундан бохабар бўлиш зарур. Келажакда ҳамма ўқувчи ёзувчи бўлавермайдик-ку, иншо ёзишни билмасам ҳам

куним ўтади, дегувчилар топилар орамизда. Бундай тўнтоқ қарашлар, айниқса, технология үндан-кун илгариллаб, имкониятлар кенгайиб бораётган ҳозирги замонда

Кўнчоқ газетхонадан нақтуб

бот-бот учраб турибди. Лекин, менимча, ҳеч қандай техника инсон ўрнига ўйлаб, унинг онгига фикрлар, мулоҳазаю таҳлилларни қўйиб қўя олмайди. Бундан ташқари, бадиий, эстетик дидга эга бўлиш ҳар қандай касб эгаси учун бирдек зарур. Иншо ёзаётган ўқувчи сўзини ҳис этишни, мулоҳазаларни чироийли, тиниқ ифодалашни ўрганади. Сўз қадрини тушунган эса, қадрга эга сўзларни танлаш билади.

Энг маҳоратли нотиклар ҳам ўз нутқларини аввал ёзиб, сўнгга ирод этишган. Гапларини маълум бир системага солишган. Бу пала-партиш валақлашдан қочишга ёрдам берган. Иншо, одатда, кириш, асосий қисм, хулоса каби қисмлардан таркиб топадики, бу эса мулоҳазаларни тартибли, тизимли баён этишга кўникма ҳосил қилдиради.

Иншо ёзишнинг яна бир афзаллиги томони илмий хатотликларга йўл қўймасликка ўргатишидир. Доим матн ёзганда илмий хатотликларга йўл қўядиганлар текис йўлда ҳам қокилладиган қимсаларга ўхшайди. Болани ўз она тилида грамматик хатоларга йўл қўймай ёзишга ўргатиш уни Ватанга садоқатли, меҳр-муҳаббатли қилиб ўстиришнинг бир шarti, деб ўйлайман.

Моҳира ОТАБОЕВА, талаба

Баҳодир ферма биносига яқинлашганда кўл телефони жинглик бўлади. Қараса, Америкадан жияни Фарҳод кўнги-роқ қилаётган экан. У Калифорния штатидаги чорвачилик фермаси билан танишган эди. Ҳозир у ерда ярим тун. Жияни ваъзига тушунтирди: яқинда туғилган бузоқнинг аҳволи оғирлашиб қолибди. Ветврач чақирининг ҳечам иложи йўқ. Шу боис америкалик фермер ёрдам беришини сўрапти. Баҳодир бузоқчага нима бўганини дарҳол англади: онасининг қароноқ сутини кўп эмган, шу нарса уни фалаж қилиб қўйган. У жиянига нима қилиш кераклигини тушунтириб, кўрсатма бериб турди...

нинг савол назари билан қараб турганини кўриб, "Майли, олиб беринг шу жойни, эплаймак", деди дадиллик билан.

Баҳодирга Кўхитангни, тоғлоя Пошхуртни ташлаб кетиш осон бўлмади. Гандабулоқдаги баланд тепаликда қад кўтарган тошдеворли ҳовлиси кўзларига оловдай иссиқ

Ватан учун яшашлик!

кўринди. Йиллар давомида ёру дўстилари билан курган бу уйи, ҳовлисидagi ҳар бир тош, ҳар бир хас, машаққат билан кўкартирилган току мевали кўчатлар унга қадрдон, рўйи бир суянчик бўлиб қолганини англади.

бўлиши учун маблағ керак. Қишлоқда замонавий имкониятлар яратилса, одамлар шаҳарга қараб чопмайдиган бўлади. У атрофдаги барча ҳам буни тарихот қилди. Шу боис, маҳаллий аҳоли билан ҳам инқолаб кетди.

Баҳодир фермер кўпроқ илм-фанга, чорва боқишни энгиллаштириш, ишчиларнинг дам олиши учун пул сарфлаш лозим деб ҳисоблайди. Молнинг сонини эмас, сифатини кўпайтиришга эътибор беради. Фермер энг сўнги янгиликлардан хабардор бўлиб туриши керак. Шу мақсадда Шерободда интернет пайдо бўлиши билан, ўз уйига ҳам улаштирди. Отаси ҳам янгиликка ўч. Мана, тоғ орасида барчанинг чирогои ўчса, уларники алоҳида, Сабоби, отасининг хонадонидида қушдан электр қуввати

линлари. Пошхуртгача бўлган тоғ йўллари раво, Тошпўлатовлар хонадонларида замонавий телевизору компьютерлар кўпчилигини кўришиб, меҳмонларнинг ҳайрати янада ортиди.

Баҳодир Кўхитангни бамайхотири томоша қилдириш учун уларни амалиёти Нормамат Тошпўлатовга топшириб, ўзи фермага қайтди. Мавсум яқин, молга озуқабоп лавлага эшик керак. Сўнги йилларда мол сонини камайтирди, бақувват, соғлом, вази тош босадиганларини сақлаб қолди. Қайси бир йили Сурхондарёга исроиллик чорва мутахассислари келишиб йигин ўтказди, семинардан у мол вази бўйича кўп ахборотлар олган бўлса-да, уларни ўзларида жорий этиш мушкуллигини пайқлади. Сабоб, биргина маконнинг об-ҳавоси ёки озуқадан эмас, балки юксак даражада ишлаб чиқилган технология ва ишни ташкил этишда, бунинг учун яна бир мутахассислигини ўрганиш керак, балки у келажакда амалга ошар. Аммо эски иш услубининг айримлари унга асқотиб туради. Баҳодир кўрани, молларни ҳар куни эрталабдан бир қур обдон назардан ўтказди. Молнинг эрталабки ва кечки аҳволини ўрганади. Иккинчи талаб эса фермада сармоҳа ҳар йили кўпаймоғи лозим. Мана, ўтган йилги даромад 60 миллионга етган бўлса, бу йил олти ойнинг ўзидаёқ шунча даромадга эришилди. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 200-300 минг сўм атрофида. Бундан ташқари, уларга галла, гўшт, сут маҳсулотлари, шахсий молларига бепул озуқа берилади.

"Баҳодир Тошпўлатов" ва "Жўрианиё Тошпўлатов" фермер хўжалиқлари ҳозир туман аҳолисига сут маҳсулотларини етказиб берадиган асосий таъминотчилардир. Улар йилига 70 тонна сут, 7-8 тонна гўшт, 23 тонна пахта, 20 тонна галла топширади.

Таниқли рессом Рустам Худойберганов ва адабиётшунос Абдулла Улугов билан фермер оиласида бўлган кунимиз Баҳодир бизга кўл телефони экранидида бир лавҳа кўрсатди. Унда ёш бир қизча спорт мусобақасида рақибини ёнгиб турган пайт акс этган эди. Қизи Хуснора Жўрианиёва Шеробод туманидаги 17-мактабининг 6-синф ўқувчиси экан. 2010 йили кикбокс бўйича республика чемпиони бўлибди. Рустам "Бу қизчининг суратини ишлашим керак экан", деб қизиқиб қолди. Ўғли Жаҳонгир эса бу йил Термизда иқтисодий лицензия тугатди, энди божхона институтига кириш ҳаракатида турган. Аёли Орагул келин бўлиб тушганидан сўнг ўн йиллар сўт соғди, ҳозир эса оила ва ферма ишларининг "кордиатори"...

Мен фермер билан турли масалалар юзасида суҳбатлаша туриб,

унга ўн йиллар аввал Америкада бўганимда, яқинда эса Тошкентдаги бир даврада айрим фермерлар қорамолларни суқмадори (гармондори) ёрдамида семиртираётганларини ашитганимни айтиб, шу ҳақда Баҳодирнинг фикрини сўрадим. У бундай дорилар инсон саломатлигига салбий таъсир қилиши боис ундан фойдаланмаслигини айтди. Мен ҳаётингизда фақат ишдан иборат экан, бу сизни чўчитмайдими, деб сўрадим. Баҳодир ўйлаб туриб, шундай деди:

— Ҳаётингиздан ишни олиб ташласангиз, нима маъни қолади? Ҳеч нима! Аммо бир хил ҳаёт тарзи ҳам қалбини ўлдирмади. Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, фермада ҳам, яшаш жойида ҳам муттасил ўзгариш, тараққиёт бўлиб туриши керак. Шерободда боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи Содикбой деган фермер бор. У дарё бўйида фаввораси отилиб турадиган "Боғи ҳаёл" деб номланган сардароҳт бир жойда кафе очган эди. Ҳаммининг озгига тушди, аммо Содикбой уни кўп ўтмай ёлди. Дунё, ҳаёт еб-ичишдан иборат эмас, деб, катта боғ ва ҳовлининг бир ёғини чорва мажмуаси, бир ёғини анорзор қилди. "Одамларга ҳам, менга ҳам шу иккаласидан кўпроқ фойда тегади" деди. Содикбой биринчи бўлиб саратонда офтоб уриб кетмаслиги учун ҳар бир анорга қоғоз ўраш усулини ўйлаб топган. Суҳбатини тингласангиз, театрга тушгандай завқ оласиз. Ўғилларига бош бўлиб қилаётган ишларини кузатиш ҳам бир сабоқ.

Энди мендан эшитинг. Бир куни дала айлиниб юрсам, бир гуруҳ археологлар ҳудуддаги тракторчинини тўхтаптиб, олдинга ўтказгани кўйилмаётган экан. Уларнинг олдида бордим. Маълум бўлишича, дарё бўйига тушар эрда турли хил суяклар сопол синиклари топилган экан. "Археологик қазилмалар бор жойни текислаш мумкин эмас", деди чех археологи. Қаранг-а, шунча олисдан келиб, бизнинг юрт тарихини ўрганиб юрибди-и. Улар билан бирга ўша жойларни бориб кўрдим. "Бўлмаса, бундай қилайлик, бу жой экин майдонини сифатида менга ҳужжатлаштириб берилган. Сизлар ҳоқимликка бориб, ўз хулосаларингизни тақдим этсаларингиз. Мен ҳам бу жойга ҳеч нарса эктирмайман", дедим. Археологлар бу ишни ярим йиллаб тайинлашга олса ҳам, мен ўша жойга тегинмадим. Ахир, ўзим ҳоқимликка бориб, аҳолини батафсил тушунтириб, шу жойни ҳисобдан чиқартирдим. Муаммо пайдо бўлдим, бироз келиб ечиб беради, деган одам кўп нарсага алдинчи қолади.

Ҳа, тириклик деб аталмиш қисматнинг қўлларидан маҳкам ушлаб, унинг гоҳ текис, гоҳ чигал сўқмоқларидан юришингизда фаройиб ҳикматлар яшининг. Фермер ва олим Баҳодир Тошпўлатов дунёни ана шундай тушунади. Тушунадигина эмас, балки, ана шу ҳикматларни излаб яшайди.

Нодир НОРМАТОВ

КЎХИТАНГ ЭТАКЛАРИДА

Хуллас, Шерободдарё бўйини макон тутадиган бўлди. Дастлаб ўз оиласи ва қайниси Абдумажид оиласи билан бирга қўйиб келди. Фермер хўжалигига ишчиларни мана шу ёнбосдаги қишлоқдан олишни мўлжаллади. Аммо чўчварани хом сананган экан: олган ишчилари кўзи шамғалат қилиб, қўлларига илинган нарсани олиб кетаверди. Шунда у отаси қўллаган усулни жорий қилди, тўғри ишлаганларни рағбатлаттирди, эгрларини дарҳол бўшатиб юборди. Одамлар ана шундай сараланиб борди. Аммо қорамоллар қанча яхши боқилмасин, семирши, сут бериши Кўхитангда гудек эмасди. У буни илмий асосда ўрганишга аҳд қилди. Бир куни Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида дарс берган домласи, профессор Абдусаттор Қаҳҳоров меҳмонга келиб, Баҳодирнинг қайдларини кўздан кечирди ва унга диссертация ёзишини маслаҳат берди. Авваламга унамади. Олим бир неча марта келиб кетди, унинг фермерлик ишларига қизиқди, йўл-йўриқ кўрсатди, шундан сўнг ишга киришти. 2011 йили Тошкентда диссертация ёклаб қишлоқ хўжалиги фақлари номзоди бўлди. Илмий ишга кенга аъзолари қорони баҳо беришди. Туманда фермер олим бўлиб қаёққа борарди, дейдиганлар ҳам топилди. "Имкониятларим кўпчилиги, олиб бораётган ишларим тўғри эканига қайта ишонч ҳосил қилдим, кўнглим тоғдай кўтарилди." дейди Баҳодир.



Фермерлик фаолиятини кучайтириш учун турли соҳа ва тармоқлар ривожлантирилди. Ўн тўққиз гектар пахта, галла, полиз экинлари... Энди иссиқхонаю, анорзор ҳам барпо этилди. Пул лозим бўлганда, фақат мол сотишга қараб қолиш керак эмас экан. Ахир, уй-жой шаҳардагидек

Бобур боғ қилиш учун машҳур қора олунинг "молдаван" навиға қизиққан эди, дарҳол олти юз туп ниҳол топтириб эди.

Яқинда Белоруссиядан Баҳодирнинг ўша ерда ўттиз беш йил аввал уйланиб қўлиб кетган қичик амакиси — Рўзимурод ўғиллари, келинлари билан бирга Шерободга келди. Уларнинг яшаш тарзини кўриб, барчасининг оғзи очилди. Амаксининг ўғиллари Рустам билан Алишер, гарчи кўп билимдон ва ишлармон бўлишса-да, олис Сурхондарёнинг Шеробод деган овлоқ жойларида шундай замонавий уйлари, ҳовлиларида "Ласетти"дан тортиб, "Нексия", "Дамас"у қишлоқ хўжалик машиналаригача бўлишини тасаввур ҳам қилишмаганди. "Бозорларингиз жуда обод экан, бундай ширин меваларни дунёнинг бирор жойида емаганмиз", дейишди Рўзимуроднинг ке-

тасаввурини баҳам ҳисоблаб адабий кеча ўтказилди. Хотира тадбирини боғ директори Б.Султонов очди.

— Қирқдан ошиқ шеърли тўпламлар муаллифи Нормурод Нарзуллаев ўзининг самарали ижоди билан авлодлар учун дилдан бург қўшиқлар гулдastasини яратиб кетди, — деди филология

БОҒ АРО ЧЎККАНДА ОҚШОМ...

бахш гўшалардан бири. Оқ устунлар ҳалқаси билан безатилган боғ остонасидан кириб борар экансиз ўзингизни эртанкам бир оламга тушиб қолгандек ҳис этасиз. Болаларнинг шодон кулгисини қувноқ қўшиқлар таронаси қалбингизни ажиб хаёлларга чулғайди.

Машҳур шоир Фағур Фулом ҳайкаolini кузата туриб, ушбу боғ бежиз ҳассос шоир номи билан аталмаганига ишонч ҳосил қиласиз. Зеро, бу маскан адабиёт шиавандлари билан доимо гавжум. Боғ қошида ташкил этилган маънавият марказида Ёзувчилар уюмаси билан ҳамкорликда адабий учрашув ва ижодий мулоқотлар уюштириш аъянага айланган. Яқинда бу ерда Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев хо-

тирасига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Хотира тадбирини боғ директори Б.Султонов очди.

— Қирқдан ошиқ шеърли тўпламлар муаллифи Нормурод Нарзуллаев ўзининг самарали ижоди билан авлодлар учун дилдан бург қўшиқлар гулдastasини яратиб кетди, — деди филология

тирасига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Хотира тадбирини боғ директори Б.Султонов очди.

Хотира кечасига ташриф буюрган таниқли ҳофиз Ҳожиакбар Ҳамидов ижросидаги тароналар даврага ўзгача шукўқ бағишлади. Йиллар оша қадрини йўқотмайдиган қўшиқлар ёзиш учун юксак маҳорат, нозик дид соҳиби бўлиш зарур. Н.Нарзуллаев ҳам ана шундай истеъдод соҳибларидан бири эди. Қувонарли жиҳати хонадалар шоир ижодига қайта-қайта мурожаат этмоқдалар.

Хотира тадбири ҳақиқий назманово кечасига айланди. Устоз санъаткорлар каторида ёш хонандалар ҳам кўй-қўшиқлари билан тадбирга ўзгача руҳ бағишлади. Ёшларни, жумладан ижод оламига энди кириб келаятган қаламкашларни шу сингари тадбирларга жалб этиш барча боғларимизда ҳам аъянага айланса нур устига бўларди.

Азиз ИМОМОВ

РАҲМАТ ВА МАҒФИРАТ ОЙИ

Бошланиши биринчи саҳифада

Маълумки, рўзанинг лугавий маъноси «мутлақ ўзини тийиш» бўлиб, рўзадор деб шариятда балогат ёшига етган кишининг тонг саҳардан то кўш боғтунча еб-ичиш ва жимодан ўзини ушлаб туришига айтилади.

Рамазон рўзасининг фарзалиги ҳақида эса, Куръони қаримнинг «Бақара» сураси, 183-оятда шундай баён қилинади: «Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз».

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзалигига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» дедилар. Ислоом енгиллик динидир. Аллоҳ таоло марҳамати ва ҳикмати билан бу ибодат қудрати етган кишиларгагина фарз қилинди.

Агар бир киши ҳасталигининг кучайиши ёки тузалишининг кечикишидан қўрқса, сафарда бўлса, ҳомиладор ёки эмизикли аёл гўдагига зиён етишидан ҳавотирда бўлса, бундай кишилар рўза тутмасликлари жоиз. Улар рўза тутишга моне бўлган сабаблар кетганидан сўнг қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табаррук ёшдаги отахон ва онахонларимиз ҳамда сурункали касали бор кишилар рўза тутмаган ҳар кунги рўза учун бир мискин таоми микдоридида фида берадилар.

Рўзадор фақат оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда ўта ҳушёр, бошқалар билан муомалада мулоийм бўлиши, ўз нафсига ҳоқимлик қилиши лозим. Шунингдек, ҳам таъминланган оилалар, етим-есирлар, беморларга ўзининг қалб қўри, меҳр тафтили аамҳўрлик кўрсатиши даркор.

Рўзадор киши ёлгон сўзлаш, иғво ва бўҳтон қилиш, ноилоқ сўзлар билан ўзгалар дилини оғритиш каби иллатлардан ўзини сақлаши лозим. Бу борада ҳам муборак ҳадисларда айтилган.

Рамазони шариф тоат-ибодат, кўт-барақа, бахт-саодат


ойидир. Шунинг билан бирга, бу ойда гуноҳлар мағфират этилиб, таваба-тазаррулар, чин ихлос ва эътиқод ила қилинган дуолар мустажоб бўлиб, қалблар таскин топади, қилинган хайрли ишлар савоби бир неча бор зиёда қилинган ҳолда қабул қилинади, иншоаллоҳ.

Бу мағфират ойида меҳр-муруват, саховат, олиҳимматлик кўпроқ қилинади, гина-қудуратли инсонлар ҳам бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро уэр сўрашадилар. Биламизки, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Силаи раҳм ва турли хайр-эҳсонларни беришда ҳам меъёрдан ташқари харажат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ман этилган. Куръони қаримда хайр-эҳсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳнинг суюкли бандалари эканлиги таъкидланади. Ҳадииси шарифларда ҳам мусулмонлар исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка даъват этилади. Жумладан: «Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинглар, садақа қилингллар, қийиниб ясанингллар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглари!» дейилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, эҳсонни фақат зиёфат кўришида эмас, балки ўша зиёфатга кетадиган маблағни меҳрга, эзгуликка муҳтож оилаларга, меҳрибонлик ва қариялар уйлариға, ободончилик ишларига, ёшларнинг илм ва ҳунар олиши учун сарф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлу.

Демак, исроф бўлмаслиги учун, авваламбор, эҳсон қилувчи киши қимларга эҳсон қилиниши лозимлигини билмоғи керак. Акс ҳолда, ўз эгаларига берилмаган эҳсон мақбул бўлмайди. Минг афсуски, ҳозирги кунда баъзи кишилар томонидан эҳсон қилишда ушбу шартларга риоя этмаслик ҳоллари содир бўлмоқда. Бунга асосий сабаб, ўша кишиларда манманлик, рибкорлик каби иллатларнинг мавжудлигидир. Ифторликни оила иқтисодиға зарар етказмайдиган ҳолатда, ўзининг холи-қудратидан келиб чиқиб, ниҳоят даражада тежамкорлик билан ўқказиш эса, шариятимиз руҳига мос турлади. Албатта, ҳар бир иш жойлардаги имом-хатиблар, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари ила бамаслаҳат қилингани маъқул.



ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Бухоро вилоят мусиқали драма театри биносида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг яқин босқичи бўлиб ўтди. Танловда эллика етти иштирокчи қатнашди.


Феруз Мухамедовнинг "Ўзбекистоним ўзинг" кўшиги (Тўлқин Мухамедов шеъри ва мусиқаси) биринчи ўрин, Бобомурод Неъматовнинг "Ўзбекистон, ҳур кунингдан ўргилай" (Охунжон Сафаров шеъри, Ўлмас Расуллов мусиқаси) ҳамда Дилшод Абдуҳақимовнинг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўшиқлари (Қозоқбой Давлатов шеъри, Султон Жалилов мусиқаси) иккинчи ўрин, Севинч Маҳидовнинг "Сендан буюк юрт йўқ дунёда" кўшиги эса (Севинч Маҳидов шеъри ва мусиқаси) учинчи ўринга сазовор бўлди. Ғолиблар республика босқичига йўлланма олди.

Тоғлов

Озода БУРХОНОВА

Аруз вазида битилган асарларнинг оҳанги фарблик шеъринг мухлислари-га бегона бўлгани туфайли яқин вақтларгача шарқона газалларни, хусусан, инглиз тилида китобхоналар қабул қилолмайдиган, деган фикр юрди. Бироқ кейинги вақтда инглиз тилида газаллар ёзилаётган, китоб ҳақида чоп этилаётгани бу фикрни рад этди. Таъкидлаш жоизки, бу жараён ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини кенг тарғиб этишга яқин замин ҳозирламоқда. Албатта, бунда Шарқ адабиёти фидойи тарғибчиларининг хизмати катта. Чунинчи, 1949 йили Хиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида туғилган Агҳа Шохид Али ана шундай ижодкорлардан бири эди.

ГАЗАЛХОН АМЕРИКА



Кашмир университетида таҳсил олган, у АҚШда ижодий ҳамда илмий ишларини давом эттириш билан бирга, таржимон сифатида Фарид Аҳмад Фаиз ижодини урдучадан инглиз тилига бевосита таржима қилган, газалинг инглиз тили ва адабиётга поэтик жанр сифатида кириб келишига катта ҳисса қўшган. Унинг муҳаррирлигида 2000 йили АҚШнинг Вейслинг университети томонидан чоп этилган "Ravishing disunities" Real Ghazals in English номли тўпламда 160 нафарга яқин америкалик шоирнинг инглиз тилида ёзган газаллари жамланган. Шохид Алининг ўзи ҳам инглиз тилида газаллар ёзди. "Call me Ishmail tonight" деб номланган инглиз тилидаги газаллар китоби учун у Америка Миллий мукофоти билан тақдирланди.

Лувчи қофиядош *encase* феъли (қопланмоқ, ёлмоқ) ва *lase* (тўқилган тўр, тасма) отига сифатдош яшаш учун қўшилган *-ed* қўшимчаси қофияни биров бузган. Демак, бундан хулоса қилса бўладики, инглиз тилидаги жумла тузилиши ва грамматик қурilmаларнинг аруз қоидаларига бўйсунмаслиги туфайли аруз вазини инглиз тилида тўлиқ қайта яратиш мумкин эмас. Аммо арузий оҳангни таъминласа бўлади. Сабаби баъзи бир газалларда радифдан олдин келаётган сўзлар шу қадар чиройли қофияланадики, бунга инглиз грамматикаси қонуниятлари ҳам путур етказма олмайди. Мана бир мисол:

Night

Now she's alone and on mends in the night
The sound of weeping **spreads** in the night.
She stands at the window amazed at the stars.
They spin through a curtain of **threads** in the night.
She watches her children angelic, asleep
She's tucked them into their **beds** in the night.
By now their dreams are of the winter and snow
The snowmen are dancing with **sleds** in the night.
Outside, the trees lost their leaves in the wind
A carpet of gold and **reds** in the night.
But the kids have all grown and left their toys
Her meaning in life cut to **shreds** in the night.
How will she function, how adjust
Life without children is what she **dreads** in the night.
But Clements, her story- there's more than you know.
Time collapses - Death **treads** in the night.

Таржима — юксак санъат

Мазкур газалда шоира Мэрсин Дел Клейментс ёлғиз қолган аёлнинг ички кечинмалари ва тун манзарасини инглиз тилида ўта таъсирчан ва холис тасвирлайди. Газалда тақдорли келувчи *in the night* — "тунда" радифдан олдин келган *spread, thread, bed, sled, red, shred, dread, tread* сўзлари қофиядош бўлиши билан бирга, уларда тақдор келаётган *-r, -d* ундошлари ва ҳар бир сўзга қўшилган *-s* суффикси шеърингта ҳушоханглик (фонетик евфония) турларидан ҳисобланган аллитерация (ундош товушларнинг такрорланиши)ни ҳосил қилган. *-r* — титроқ, *-d* — портловчи ва *-s* — сиргалувчи товушларнинг ҳар бир мисрада қайтарилиши ёлғиз аёлнинг ички кечинмаларини, руҳий ҳолатини ёрқин тасвирлашга хизмат қилган ва оҳанг орқали унинг руҳияти очиб берилган. Инглиз шоирасининг яна бир ютуғини таъкидлаш ўринли: биз юқорида санаб ўтган қофиядош сўзларнинг ҳаммасига *-s* суффикси қўшилмоқда — *spreads, threads, beds, sleds, reds, shreds, dreads, treads* каби. Бу суффикс инглиз тилидаги феълларга икки хил мақсадда: отнинг қўлпик қўшимчаси; зоҳирги замон феъли *present* *simple*нинг учинчи шахс бирлик формаси қўшимчаси сифатида қўшилиши мумкин. Клейментс хоним газалда қофиядошликни сақлаш учун сўзининг грамматик формасини бузмайди. У суффиксдан шу қадар моҳирона фойдаланадики, баъзида отнинг кўпчилиги (*beds, sleds, reds*), баъзида эса феълнинг учинчи шахс формаси (*spreads, threads, shreds, dreads, treads*)ни ифодалаш учун қўлланган суффикс қофиянинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Мисраларнинг синтактик структураси ҳам низоҳатда чиройли тузилган.

Инглизча газаллар асосан "пароканда газал" кўринишида. Ҳар бир мисрада ҳар хил воқеа тасвирланади. Албатта, газалининг мумтоз эмас, балки биров ихчамлаштирилган "модерн" кўриниши Америка адабиётига кириб келди. Зеро, ўзбек тили ва адабиётига Шекспир сонетлари таржимаси орқали кириб келган сонет ёзиш аъёнасида ҳам жанрнинг формал хусусиятлари сақлаб қолинган бўлса-да, классик инглиз

ёки италян сонетининг айнан ўзи эмас. Шу маънода инглизларнинг Шарқ мумтоз газалини модернлаштириб ўз адабиётига олиб кириётгани қувонарли ҳол. Инглиз тилида ёзилган газалларнинг баъзиларида ҳар бир бандда тасвирланган воқеалик бир-бирига унчалик боғланмас-да, аммо яхлит ҳолатда газал сарлавҳасидаги маъно очиб берилди. Буни Сондра Оудин Армер қаламига мансуб "The Hollywood version" — "Голливудча версия" газалида кўриш мумкин:

A chorus line goes on for the sleek but tight star.
"Stop the presses! Yells the editor of Grow Heights Star
Tin Pan Alley tinkle the ivories, Yuletide tunes,
Atop of tinsel Christmas tree twinkles a snow white star
The small town-town doctor shouts,
"Quick, boil water, lots of water!"
The sheriff hands the deputy his bloody but bright star.
The GL from Brooklyn whistles at a pinup and winks
A tousled toddler wishes at window: "Star, light star..."
A cast of thousands in a sundry olden armor follows
The holy man on horseback who
points toward a midnight star.

Газалда бандлар ўзаро узвий боғланмас-да, шоира умумий ҳолатда Голливуднинг шовқин-суронли ҳаёти манзарасини тасвирлашга муваффақ бўлган.

Ушбу инглизча газалдаги "star" — "юлдуз" сўзи радиф сифатида тақдорлилик келган. Шуниси эътиборга моликки, шоира радифдан олдин келган сўзларнинг қофиядошлигига эришибгина қолмай (*tight star, Heights Star, white star, bright star, light star, midnight star*), чиройли сўз ўйинини ҳам ишлатган. "Star" сўзи газал давомида — осмондаги юлдуз, журнал номи, қор парчасини, киноюлдуз, йўлчи юлдуз маъноларини аниқламоқда. Бу шарқона туюқ санъатини эслатади. Ҳар иккала тўпламда бу каби газаллар талайгина.

Инглиз газаллари зоҳирий маъногагина эгалиги, мавзу сифатида қундалик воқеа-ҳодисалар танлангани билан шарқона газалдан фарқланади. Ҳозирча газалининг умумий қонуниятларини сақлаб қолишга уринаётган инглиз шоирлари келажакда бундан-да муқамалроқ ижод намуналарини яратишларига шубҳа йўқ. Муҳими, инглиз китобхоналари газал жанри билан яқиндан танишиб, унга ошно бўлиб улгурди. Энди бемалол ўзбек мумтоз адаби намуналарини инглиз тилига таржима қилишга киришиши мумкин. Гарчи мумтоз газалларимиз қатига яширинган сермаъноликни таржиммага тўла кўчириш иложи бўлма-са-да, бир газалдаги уч-тўрт хил маънонинг биттаси ҳам инглиз китобхонини хайратга соладиган таъсир кучига эга. Бир учрашувда таржимон Қосимжон Маъмуров томонидан таржима қилинган Алишер Навоийнинг "Ғулаи" радифи рубойинини ўқиб берганимда уларнинг жуда таъсирлангани кўрганам. Мана, ўша рубойи:

I said, holding by your chin your cheeks I kiss,
Licking your eyes with eyelids your brows I kiss,
Smelling your rosy cheeks your lips I kiss,
If you say: No, No, No, your foot I kiss.

Таржиманда рубойий аниқ ва тушунарли чиққан, инглизча матнда Навоий оҳанги сезилиб туради. Ошиқнинг ёр лаби, ёноклари, қўзу қошларидан бўса олиш орузи ва бу орузга эришолмас, яъни маънан баледада турган машуққа русат берма-са, ҳеч бўлмаса обғидан ўлиб, ёр вастига қониши илоҳий ва мажозий ишқ савдоси дардига малҳам бўлиши таржиманда тушунарли ва чиройли ифодаланган. Рубойда қўлланган савол-жавоб санъати ҳам таржиманда қайта яратилган. Демак, газалхон Америкага ўзбек мумтоз газалиётини бор фасоҳати ва нозикликлари билан қўрсатиш вақти келди. Газалхонлик мушоирасини шоир ва таржимонларимиз давом эттиришларига умид билдириб қоламиз. Таржима ва адабиёт тиллар ва миллатлар қалбини туташтирсин.

Гулноза ОДИЛОВА,
филология фанлари номзоди

"ҚУМАНЛАР ТУЗУГИ" — БЕБАҲО ОБИДА

Тарих саҳнасида бунёдга келган бир қанча ёзма обидалар барча туркий халқлар учун муштараклиги билан ажралиб туради. Туркийшуносликда ана шундай ёдгорликлар қаторида XI асрда яратилган икки буюк обида — Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ҳамда Маҳмуд Кашгарийнинг "Девони лугатит турк" асарлари ҳақи равишда қайд этилади. Булар ёнида XIII асрда яратилган "Қуманлар тузуғи" ҳам бор. Бу ноёб асарларда олға сурилган ғоя ва мавзулар ҳамisha ўз бадийи жило-си билан ўқувчинини мафтун этади, бадийи тасвирдаги ўзига ҳослик ҳайратни оширади, шеърин мисралардаги нозик туйғулар, қузатувчанлик завқ бағишлайди.

"Қуманлар тузуғи" XIII аср охири — XIV аср бошларида яратилган. Унинг асл номи "Alfabetum Persicum, Comanicum et Latinum Anonymi scriptum Anno 1303. Die 11 Julii" дир. Жаҳон илмий жамоатчилиги орасида бу асар "Кодекс команикус" деган ном билан машҳур. Ваҳоланки, юқорида келтирилган ном "1303 йил 11 июлда яратилган муаллиф номаълум Алифбо тарзидаги форсча, қуманча ва лотинча луғат" тарзида таржима қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. "Кодекс команикус" ҳақон адабиётшунос, тилшунос, таржимашунос ва тарихчи олимлари томонидан жуда кенг ўрганилган. Бу жараён ҳамон давом этмоқда. Аммо топилагани етти асрдан зиёд вақт ўтганига қарамай, бу асар юртимизда ҳеч бир жиҳатдан илмий-тадқиқотларга жалб этилмаган. Ҳар ҳолда, биз ҳозирча шундай маълумотларга эга эмасмиз.

"Кодекс команикус"ни тадқиқ этишни немис шарқшуноси Генрих-Юлиус Клапрот бошлаб берган. У 1807—1813 йиллари Россия Фанлар академиясининг фахрий академиги сифатида туркийшуносликка оид бир қанча ишларни амалга оширган. Хусусан, бошқирд, қозоқ, қирғиз, ёқут тиллари ва урф-одатларини, "Бобурнома" ва булғор қўлёзмаларини тадқиқ қилган. Клапрот мазкур ёдгорликнинг қуманча қисминини лотинча аслияти асосида, арабча транскрипцияси ва французча таржимасини (Klaproth J. Notice sur un Dictionnaire persan, coman et latin, luégué par Petrarque a la Republique de Venise // J. Asiatique. — 1826. — T. 8. 114 — 117-бетлар) биринчи марта баънаш эътирган. Шундан кейин асар Гега Куун (Kuun G. Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum: — Budapest, 1880) томонидан 1880 йили транслитерация ҳамда транскрипция ҳолида, Владимир Радлов (Radloff W. Das türkische Sprachmaterial des Codex Cumanicus. — SPb) томонидан 1936 йили факсимил ҳолида, Владимир Дринба (Drimba V. Codex Cumanicus: Edition diplomatique avec facsimilés. — Bucarest: Editura Enciclopedica, 2000) томонидан 1973 йили матнинг бир қисми чоп этилган. 2004 йили Александр Гаркавец (Гаркавец А.Н. Codex Cumanicus: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII — XIV веков. Москва, 2006) китобининг биринчи қисми (Қуманлар луғати)ни, 2006 йили эса, иккинчи қисми (Тарғибот китоби)ни нашр эттирган бўлса, асардаги топишмоқлар Андреас Титце (Tietze A. The Koman Riddles and Turkic Folklore. — Berkeley, 1966) томонидан махсус ўрганилган.

Асар туркийлик ва қозғистонлик олимлар томонидан ҳам анча жиддий тадқиқ этилган. Мазкур ёдгорликнинг умумий ҳажми қўлёзма нусхасида 82 саҳифа (бу ҳозирги 164 бетга тўғри келади)дан иборат. Ушбу

қаламга олади. Китобда бу мавзулар турли ҳикоят ривоятлар воситасида гоёт моҳирона талқин этилган. Асарнинг муҳим тарбиявий жиҳати шундаки, Атор томонидан илгари сурилган фалсафий ва ахлоқий ғоя-қарашлар ҳамда уларни асослаш учун келтирилган рамзлару ҳикматлар китобхонининг маънавий оламини бойитидади, уни адабиёт гулшани гўзалликларига ошно этади. Шу ўринда дунё шеърини, фалсафаси, тасавуф оламини буюк намояндаси Фаридууддин Аторнинг ушбу асарлари жаҳон мумтоз адабиётининг яна бир улғувор сиймоси, забардаст аллома Мавлоно Жалолуддин Румийга ўз даврида жуда катта таъсир қўрсатганини эътироф этиш даркор. Жалолуддин Румийнинг тасавуф оламга кириб келиши ҳам Аторнинг баъшорати билан бўлганини унинг илк тафсирчиларидан Ҳусомиддин Чалабийдан тортиб Давлатшоҳ Самарқандийга бир овоздан тасдиқлаганлар.

Воқеа шундай кечган: Қаъба зиёратига йўл олган Баҳовуддин Валад ва унинг ўғли Нишопурга етганидан хабар топиб, Шайх Фаридууддин Атор зиёратчиларга рўбарў чиққан. Шайх 13 ёшли ўспирин Жалолуддиннинг суҳбатидан мамнун бўлиб, унга ўзининг "Асрорнома" китобини тақдим этган. Ривоят қилишларича, ўшанда Атор ёш Жалолуддиннинг ота-бика қарата: "Бу бола ҳадемай оламдаги барча ошқлар қалдобиға ўт солади!", деб башорат қилган экан. Ҳақиқатан ҳам, Румий тариқат йўлини тутган ва бир умр "Асрорнома"ни қўлидан қўймаган. Устозу пирларни ҳақида сўз борганда, Румийнинг ўзи ҳам бир байтида: "Агар Атор менга руҳ бахш этган бўлса, Шамси Табризий тилсим калитини тутқазди", деганини эслатиш жоиз. Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий Фаридууддин Аторнинг "Мантик ут-тайр" асарини олти ёшлигида ўта олиб, умр бўйи унинг таъсирида юргани ва олтимиш йилларда "Лисон ут-тайр" асарини ёзиб, устозга чуқур эҳтиром қўрсатгани ҳам "Мантик ут-тайр" достонининг аҳамияти нечоғли юксак эканини яқин тасдиқлайди. Алишер Навоий ул зоти шарифни устозлар устози деб атаган. Айни чоғда, Фаридууддин Аторнинг юқорида зикр этилган барча асарларининг ўзбекча таржимаси моҳир таржимон, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг самарали меҳнати ва жўшқин ижоди махсули эканини алоҳида қайд этишдан мамнунмиз. Заҳматқаш ва серғайрат таржимоннинг, бир томондан, аслият тили — форсийни яқини библиши, иккинчи томондан, Шарқ адабиётидан чуқур хабардорлиги, учинчи томондан, илмий тафаккур салоҳиятига эгалиги ва энг муҳими, ўзи ҳам хассос шоир экани таржима муваффақиятини таъминлашда устувор омиллар бўлгани шубҳасиз. Энг асосийси, айнан мустақиллигимиз бу борадаги барча биз ўқиб ва билиш зарур бўлган қанчадан-қанча фалсафий, тасавуфий китобларни қўлимизга ҳам олмаганимиз. Албатта, бу борадаги билим ва малака, дид ва савия, дунёқараши ва тафаккур ҳам шунга яраша бўлган. Шу маънода, бугун биргина Фаридууддин Аторнинг юқорида тилга олинган асарлари аввалига парчалар шаклида ва насрда, энди эса назмда таржима қилиниб чоп этилгани Шарқ шеърини ва тасавуф адабиётини ўқиб-ўрганишда кейинги йилларда қандай улкан имтиёз ва имкониятларга эга бўлганимизнинг яққол далолатидир.

Акмал САИДОВ,
профессор

Мустақиллик ҳақимиз учун энг буюк неъмат эканини тасдиқлайдиган исботу далиллар ҳаётимизда бисёр. Истиқлол бизга аждодаларимизнинг улғувор маънавий меросини, хусусан, фалсафий-адабий, сиёсий-ҳуқуқий ва диний-ахлоқий қадриятларимиз жамланган қўлёзма манба ва китобларни ўқиб-ўрганиш, уларни асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш имконини бергани билан ҳам азиз ва қадрлидир.


Бугунги кунда буюк юртдошларимиз Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий, Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Баҳовуддин Накшбанд, Бурхониддин Марғиноний, Наҳиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Хофиз Шерозий, Абулфаво Хоразмий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Ахрор Валий каби қанчадан-қанча алломалар ижодиётининг шакли нафосати ва бадийи балоғатидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Бизнинг дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашимизда ана шу боболаримизнинг бебаҳо мероси, Президентимиз таъкидлаганидек, "ҳамиша бошимизни баледа, қадимизни тик қилади, халқимизнинг кучига-куч, гайратига гайрат, ишончига ишонч қўшади". Ана шундай буюк аждодаларимиздан бири — Шарқ мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, ўзидан кейин ўтган барча буюк ижодкорлар эътироф этган

нинг ўз ўғлига атаб ёзган одоб-ахлоқ мавзусидаги ушбу китоби содда тили, равои услуби, теран мазмун ва гўзал шаклда баён этилган, ҳаётий ҳикматларга бойлиги билан азалдан илму адаб аҳли ўртасида машҳур бўлган. Китобнинг ўзбекча нашрига сўзбоши ёзган адаби-

ётшунос олим Эргаш Очилловнинг қайд этишича, бу асар "асрлар давомида мактаблар дастуридан мустаҳкам ўрин олиб келган. Хинд ва туркий тилларгагина эмас, лотин, немис ва француз тилларига ҳам таржима қилинган". Аторнинг "Булбулнома" асари мўъжаз бир достон. Унинг тасавуфий мазмунини мухтасар изоҳлайдиган бўлсак, китобда қушлар булбулнинг мутта-бир нолаю фарёдлари ўз тинчларини бузаётганидан Сулаймон алайҳиссаломга шикоят қилиши, Пайгамбар лочин орқали уни ўз хузурига даъват этиши, шу таомти қушлар ва лочин, булбул ва

гул, булбул ва Сулаймон ўртасидаги мулоқотлар воситасида илоҳий ишқ асрори хусусида фикр юритилади. Токи машуқ ва ишқ мавжуд экан, ошиқнинг иши оху фиғон чекиш, демакки, ошиқ тимсоли бўлган булбулнинг қисмати бир умр нола-фарёд қилишдан иборат экани те-

АТТОРШУНОСЛИКДА ЯНГИ ЮТУҚЛАР



ран бадийи-фалсафий талқин этилади. Достонда ишқу вафо, ви-сол ва ҳижрон туйғуларидан баледа пардаларда тараннум этилади. Шу боис "Булбулнома"ни шоирнинг муҳаббатномаси, ҳаёт фалсафаси, деб баҳолаш айна ҳақиқатдир. Фаридууддин Атор қаламига мансуб яна бир китоб — "Уштурнома" (яъни "Туя қиссаси") ҳам Шарқ мумтоз адабиётини тушунишга ёрдам берадиган асарлар сирасига кириди. Муаллиф ўзининг ушбу достонига Ҳақ ва Ҳақиқат, азал ва абад, олам ва одам, ҳаёт ва мароқати маънавий мавзуларни

Йўлдош ЭШБЕК

ЮРТИМ ОСМОНИДА ЮЛДУЗЛАР ЙИРИК



ЎЗБЕКИСТОН

Шамол варақлайди дала — китобни,
Ногоҳ тўхтаб қолар топиб Офтобни.

БИЛАМАН

Деб ким айта олар
Ким айта олар
Инсон кўнглини
Уялмай нетмай
Кўнглим пок дейди
Мақтанниш кўнглининг кири-ку
Яна оқ дейди.

ТУЯЛАР

Кўринар маънос уфқда,
Кавшаниб-тамшаниб ҳорғин туялар,
Ойдин соялари ҳарир, унққан,
Аста чўкмоқ истар, секин уялар,

Қишлоқ четидаги бу майдон шу пайтгача янтоқлар ўсиб ётган, болалар улоқ-қўзи ҳайдаб юрадиган бир яланглик эди.

Кейин... туман раҳбарлари келишиб қишлоқ атрофини обдон айланишди ва шу ялангликда тўхтаб, нималарнидир баҳслашди, тортишишди ва тарқалиб кетишди. Орадан бир неча кун ўтгач ернинг текислигини чамалайдиган асбоб-ускуналарини елкалаган беш-ўн киши келди бу ерга. Улар асбобларини ўрнатди, турли хил расмларга тушириб кетишди, натижаларини ёзиб-чиқишди. Кўп ўтмай қаторлашиб ҳар хил машинаю тракторлар келди, курувчиларнинг кўча уйлари жойлашди. Бир зумда кўз кўриб-қулоқ эшитмаган қурилишлар бошланиб кетди.

Қурилишнинг довуғи Райхон кампирнинг ҳам қулоғига етиб борди. Қўни-қўшиллардан янги уйлар қурилаётганини эшитганда унчалик парво қилмаган эди. "Хамма-нинг уйи бор бўлса, кимга ҳам керак экан бунчалик кўп иморатлар", деб ўзича мингирлаб қўйди.

Шом қоронғусида ўғли тракторини қияликка қўйиб кириб келганида кампир эски кўрпачаларнинг уадаларини титкилаб ўтирган, келини эса қизалоқлари билан ўчоқ бошида куймаланиб юрган эди. Ўғлининг оғзи қулоғидалигини кўриб кампир ҳайрон бўлди. "Сизгири эгиз тугибдими бунинг" деди ичиди. Буни ўғли ҳам дарров пайқайди.

— Янги қурилаётган уйлардан битаси бизга тегадиган бўлди, эна, — деди у кампирни кўп ҳам илҳақ қилмаслик учун юз-қўлларини юва-юва.

Кампир индамади. У ўғлининг гапига ишонганини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмади. Келинининг секинчадан учиб-қўнаётганини кўриб қулгисини қистади. У ҳам бир пайтлар шундай ёшган жувон эди. Унинг ҳам эри тракторчи эди. Бировлар Тошмурад тракторчи деса, баъзилар жувончининг ўғли деб чақирарди. Райхон Тошмурадга турмушга чиққанда яқинлари, қўни-қўшиллар ҳашар қилишиб гуваладан мана шу бир дахлизу бир хонали уйни қуриб берди. Томи лой-сувоқ бу уйдан хали-ҳануз ёгин-сочинли кунларда чакка ўтиб, ернинг захи безовта қилади. Шундай кунларда кампир ерга қаваат-қаваат қамши бўйраларни тўшаб, устидан кигиз ёзади, шу билан намгарчиликни енгган бўлади. Тошмурад бир умр хўжаликда тракторчи бўлиб ишлади. Тонг ёришар-ёришмас далага отланиб, тун қоронғусида тракторини тариллатиб қайтиб келарди. Қанчалик ювинмасин, ундан доим трактор мойининг хиди анқирди. Райхоннинг бошда бундай хидга қўниқилиш қийин бўлди. У биллинар-биллимас бурнини жийриб қўярди.

— Нега юзингни буриштирасан? — сўради Райхон.

— Сиздан мой хиди келаяпти, — дерди Райхон.

— Сендан эса фақат райхон хиди келади, — деб қулиб қўярди Тошму-

рад.

Ростдан ҳам Райхон келин бўлиб келганидан буён бу ҳовлидан гулу райхонларнинг хиди аримай қолди. Райхон азонлаб туриб уй юмушларини қилар, ҳовлини супуриб-сидирар, эшик олдидаги бир парча ерга эккан гул ва райхонларига сув сепар, кейин тонг ёришаётганда далага кетарди. Улар кундуз кунлари даярли бир-бирларини кўришмасди. Иккаласи ҳам уззу-кун далада ишлашар, фақат тунда мана шу гувалали уй уларни висолга етказарди. Шу уйда беш қиз, бир ўғил дунёга келди. Болалар қамши бўйра устида бир-бирларининг пинжиги тикилиб катта бўлишди. Бешала қиз оталарининг оқ фотиҳаларини олиб беш қишлоққа келин бўлиб кетишди. Аммо ўғли Ботирнинг бошини икки қилишга Тошмурад улгурмади. Узок хасталикдан сўнг омонатини топширди. Кампир хувиллаган уйда ўғли билан ёлғиз қолди. Ботир ота касбини эгаллаб, тракторчи бўлди. У ҳам Тошмурадга ўхшаб ярим кечада даладан қайтишни, гурс-гурс қадам ташлаб кириб келишни, дастурхондаги бугдой нонга иштаха билан қўл узатишни одат қилди. Ундан ҳам трактор мойининг хиди анқий бошлаганда кампир анча вақтдан буён йўқотиб қўйган хидини топгандай севиноб кетди. Ботир ҳам атрофни ўзгача иштиёқ билан ҳидларди. Кун бўйи солярка тутундан нафас олаверганидан бўлса керак, ҳовлига кириши билан димоғига гупиллаб урилган гулу райхонларнинг исини яқоқ сезарди. Она-бола бир-бирига юпанч бўлиб яшаб юришди. Кампир умри поёнига етиб бораётганини ўйлаб, ўттизга ўтаётган ўғлини уйлантириш йўлида жонсарақ бўлар, ўғил эса уйланиб шу биргина хонани ҳам банд қилсам, онам болишини қаерга қўяди, деб ўй сурарди. Ниҳоят у ўртоқларини ҳашарга чақириб, гуваладан дахлиз ёнига яна бир хона қурди. Келинини ўша хонага олиб келадиган бўлишди. Келин ҳам келди, бирин-кетин неваралар ҳам тугилди, кампирнинг бағри тўлди. Лекин бир хонада ёлғиз ўзи қолганида кўзига уйку келмас, Тошмурад хаёлидан кетмасди. Фарибгина шу қулбани Тошмурад тўлдириб турарди.

Ўғли, янги уй оладиган бўлди, деганида кампир ўзининг гувала уйдан бошқачароғини тасаввур қилолмади. Тракторчининг мангалига шундан ортиқ уй битариди, дея уйларди у. Бироқ Ботир ҳар кун қурилаётган уйларни мақтаб келаверганидан кейин кампир ҳам росткамаига қизика бошлади. Хатто ўша уйни бир бориб кўришга ҳавасманд бўлиб қолди. Аммо бу гапни эрта баҳорда бошлаган Ботир ёзининг ўрталарига келиб ҳам кампирга янги уйни кўрсатишни пайсалга солаверди. Кампирнинг авзойи бузилгач, ниҳоят бир кун эрталаб ўғли уни қурилиш майдонига олиб борди. Улар бир четда тўхтаб

қурилишларни томоша қилишди. Кампир қафтини соябон қилиб атрофга назар ташлади. Кенг майдонда жуда қўплай иморатлар буй кўрсатиб қолган, баҳайбат машиналар у ёқдан-бу ёққа тинимсиз қатнар, улкан тракторлар ваҳожат билан тариллар, курувчилар енг шимариб ишлашар, тупроқ йўллардан қуюқ чанг осмонга ўрларди.

— Сен бола мени эрмак қилма, — деди кампир қовоғи уюлиб. — Қишлоқ уйлари бундайчикин бўлмайди. Бу ерда шаҳар қурилаётганга ўхшайди-ку. Тракторчиға шаҳардан уй тегиб қолибдими. Ҳа, ўтригинг ҳам бор бўлсин-а.

— Эна, рост айтдим, мана шу уйлардан биттаси бизники бўлади.

— Сеники бўлса, қани, кўрсат ана шу уйни менга.

— Қурилишлар тугасин, кейин кўрасиз. Ҳозир чангга беланиш зарилми сизга?

— Нима бўпти, ҳар доимги ўзимизнинг чанг-да. Кўрсат уйингни.

Ботир ноилхо, кампирни тупроқ йўлдан иморатлар орасига етақлади. Кампир қалишини қўлга олиб, қайноқ тупроқ устидан ялангоёқ юрди.

— Шу уй бизники, эна, — деди Ботир кампирни ўртарақдаги бир ҳовлига бошлаб қираркан.

Кампир бир зум тўхтаб, энтиқиб нафас олди. Ҳовли девор билан ўралган, иморатнинг салобати одамни ҳайратга соларди. Томда усталар ишлашаётган экан. Кампир юқорига қараган эди, қўш нурулари ўзгача иштиёқ билан Унинг қисқ кўзлари янаям қисилди.

— Уларим-ов, хорманлар, ишларингга унум берсин, илоийм.

— Бор бўлинг, момо, янги уйимни бир кўриб кетай, деб келибсиз-да? — деди усталошчи.

— Ботиржоннинг уйими шу? — сўради кампир гўё, бегона жойга адашиб келиб қолмадимми, дегандек.

— Ўғлининг қўйиб туринг, сизнинг уйингиз-ку бу.

Кампир хурсанд бўлиб жилмайди. Табассумга ошқикан лаблари ортидан тишиз милқлари кўринди. Бу милқларнинг тишдан холи бўлганигаам анча йиллар бўлган. Ёшлигида унинг тишлари жуда чиройли эди. Дугоналари суқлиниб мақтаб қўйишарди-ю, лекин Тошмураднинг мактовни бошқача бўларди. "Сенга доим дур сова қилгим келди-ю, лекин мен олиб келадиган дурлар сенинг тишларинг олдида оддий тошга ўхшаб қоладими деб кўркаман", дерди у. Шу гўзал тишларнинг базисини пахта ўсган далаларда қилиб кетди.

Ўшанда Райхоннинг тўнғич қизи тугилган эди. Чақалоқ роса инжик эди, кўп йилларди. Бир кун тун билан ўзи ҳам ухламади, Райхонга ҳам ором бермади. Устига-устак Райхоннинг тиши оғриб, икки кун узуқсиз азоб берди. У оғриётган тишини омбир билан суғуриб ташлагиси келарди, аммо бунга ҳам журъат қилолмади. Пахта терими авж паллага кирган, етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма далада эди. Райхон иш билан овуниб, тиш оғриғини унутаман, деб ўйлади. Аммо ер захлик қилдими, оғриқ баттар

Кўйдим иш орттириб тагин ўзингга,
Сени шод, ўзимни барбод айладим,

Йўлдош мен учун ҳам қилсин дуолар,
Уни дуо бирла мен ёд айладим.

ОҚ

Қоғоз бағрига қўйсам қафтимни
Ўқиб кўрсанг юрагимни
Тафтини
Дардига сўз ожиз дея кўрқасан
Мен қандай айтаман
Қандай тўқаман
Юрагимнинг тўлқини бор
Қафтимда
Бахтимнинг изи бор
Кўнглимнинг денгизи
Ҳижронинг сўзи бор.

ИНСОННИНГ

Кўнглидан тилаклар ўтар,
Айланиб-айланиб фалаклар ўтар,
Заминни айланиб ўтгандай қуёш,
Қафасини ёритиб юраклар ўтар.

ЮЛДУЗДАН

Наридан қарасам бир кун,
Кўрсам адирдаги боғни, тоқзорни,
Шаффоф шабнам каби титраса узум,
Булоқлар соғинар мен нигзорни,
Паҳлавон чўққилар посбонлар каби,
Бедордир осмонни кўтариб бошга,
Юртни ёритган ой — Ойбарчин қалби,
Оҳ урса етади алшга — қуёшга,
Юртим осмонда юлдузлар йирик,
Ки ният биландир улканлик мудом,
Ният олиб юрар инсонни тирик,
Ойдан нарида ҳам қўллайди худо.

ҲУҚУҚ

зўрайди. У азобланиб кўзларини қаттиқ юмди ва шу кўйи эгатда ухлаб қолди. Кутилмаганда эркак кишининг тахидили бақирингидан чўчиб уйғонди. Шундоққина тепасида раиснинг аждардек пишқираётганини кўраб, сал бўлмаса юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Ранги кув ўчиб, оёқ-қўли қалтираб ўрнидан турди. Ҳов нарида, район раҳбарларидан бўлса керак, яна уч-тўрт чоғли шляпа кийган кишилар туришганини кўриб баттар уялди.

— Ҳамма кечани-кеча, кундузини-кундуз демай оқ олтинни мисқоллаб тераётганда сен муттаҳам куппа-кундуз ялпайиб ухлаб ётмасанми? — дея ўшқирди раис.

— Тишим оғриганидан билмасдан

Уйғун РЎЗИЕВ

РАЙХОНДИ УЙ

ухлаб қолибман, — деди Райхон уятдан ерга киргудек бўлиб.

— Қайси тишинг сени ишлашга қўймапти?

Райхон оғриётган тишини лаби устиндан силаб кўрсатди. Раис ҳеч иккиланиб ўтирмасдан, ўша жойга қўлидаги таёқ билан бир туширди. Райхоннинг кўзларидан олов сачраб кетди. Оғриётган тиш эгатга учиб тушди. Лекин бу китмир тиш ёнидаги иккита соппа-соғ тиши ҳам етақлаб кетди.

— Мана, энди ҳам шу лаънати тиш сенга ҳалақит қилиб кўрсин-чи, — деди раис.

Райхон қафти билан қон сизаётган оғзини бекитиб, раҳбарларнинг узоқлашишини кутиб турди. Улар нари кетгач, эгат бошига югуриб бориб, ариқдаги сувдан оғзини чайди. Лахта-лахта қон туфлади. Раис тўғри айтган экан, Райхон тиш оғриғидан бутунлай қутулди. У шундан хурсанд бўлди. Фақат соғ тишларининг ҳам синиб тушганию лабининг бироз йиртилиб чандиғи кўриниб қолганидан бир неча кун хижолат бўлиб юрди. Кейинчалик булар ҳам унутилди. Кексайиб, юзларини ажин қоплагач, ўша чандиқ сезилмай кетди. Ойдай жамолига зёб бериб турган дур каби тишлари эса умр ўтиши билан жилосини йўқотиб, сохибасини тарк этди.

Кампир ҳовлини эринмасдан айланиб кўрди. Қурилаётган иморатнинг ҳар бир хонасига бош суқди. У аввал қулоқларига ишонмаган бўлса, энди кўзларига ишонгиси келмаётган эди. "Кўраясизми, жувончининг ули, Ботиржонимгаям кўркам иморат битибди. Шундай кунларга етмадигиз-да, ҳай эсизгина-я", деб ичиди гапирарди ва кўзларини намлаган қувонч ёшларини астагина артиб кўрарди. У кунда-кунора шу ҳовлига қатнайдиган

ЮРАГИМДА ЗАРГАР ЯПРОҚЛАР

Гўзал БЕГИМ



Саболар дарахтга қуй осиб кетар
ранглар ҳисларимда қуйма овоза
ойнада ой қулар сочин патила

Кунлар кунларимга дастхат битида
сувнинг чиптасида денгиз нуқси бор
силқинар гулларнинг гулдор қўйлаги

Ёшанлар ифори шудринг бўйида
ойдинлик қилишар кенгликлар умрини
шуълаларнинг рақси камалак қулу

Онам пайпоқ тўқир
ип соллар қорачиғида
дарахт яшиллиги
ҳаккалаб борар
кўчманчи рангларни ортқилаб
чимрилади симлар
ичкин бўёқлар

онам қўлқоп тўқир
иккиланар ҳавоуфлагич
ҳароратни бағрига босиб
дарёлар сув қўлини узатар
денгизлар тутуди бармоқларини
аччиқ
ахир ҳатто тўлқинлар

онам қўйлақ тўқир
изтироби
симйўрғакда табассум тасвир
абдаят
япроқ шитири

пастак қулбаларга кириб чиқайди
тўқилаётган гуллар парвози

Ўрнидиқ
бахтиёр
чақилмаган писта пўчоғи
товланади умид рангида
ҳомуза тортилган симёғоч
ўрнидиқ
шамолни чақирар меҳмонга
эргаштириб кетар ортидан
сени ва мени

АЛЛА

Ойнинг тўлқинлари оралаб
шитирлайди денгизранг қуилар
рангларини тебратялман
алла болам алла

Пешонам чизигида йманиб
остонамга келди тунли орзулар

АЛЛА

бўлиб қолди. Набиралари баъзан унинг қаёққа кетганини билмай қидириб қолишарди. Кампир тупроқ кечиб янги ҳовлига борар, жадал ишлаётган усталарга: "Уларим-ов, хорманлар, Ботиржонимнинг уйи битай деб қолдими?" дерди-да, набираларнинг кичкина кетмончаси билан ҳовли бурчагидаги бир парча ерни юмштириб, нималарнидир экиб юрарди. Саксондан сакраган энасининг ҳали қурилиши битмаган ҳовлида экин-тикин қилиб ивирсиниб юриши Ботирга малол келди.

— Шу ишлар сизга зарилми, эна, уйда ўтирсангиз бўлмайдами, одамни хижолат қилмай. Сизга биров ер чопинг деяптими? — деди у ниҳоят бир кун.

— Ол-е, чопмасам чопмабман-да ерингни, бахилингни тувгани, — деди кампир ҳам зарда билан.

Ҳаммасини кўриб турган усталоши Ботирнинг гапини кесди:

— Энанг тилла аёл экан, укагинам, агар шу аёл менинг энам бўлганида ҳар кун кафтидан сув ичардим. Бу уйда момо ўзининг қанча яшанини билмайди-ю, лекин сен ва сенинг болаларинг узоқ вақт яшашини яхши биларди.

Барибир Райхон кампир то ҳаво совиб, лойгарчилик бошлангунча икки ҳовли ўртасида ўз билганича қатнаб юрди. Ёгин-сочинли кунларда ҳам у ерга боргиси келди-ю, Ботир йўлини тўсди.

— Эна, бир ками энди лой кечиб юришингиз қолувди. Баҳорда кўчиб ўтамиз, шунгача иссиқ уйда дам олиб туринг, — деди у жаҳли чикқанини яширмай.

Кампир бутун кун бўйи остона ҳатламади. Лекин баҳор эшик қоқиши билан яна ҳеч қандай айтиб ҳам ўтирмасдан янги уйга йўл олди. Қаторасига қурилиб, кўркини кўз-кўз қилаётган уйлари кўриб юраги ҳаприқ-юрди. Ҳамма уйлар бир-биридан чиройли. Тупроқ кўчаларни асфалт қилишни бошлашди. Кампир ўша уйни чамалаб борарди-ю, адашиб кетма-ялманми, деб атрофга аланларди.

— Уларим-ов, Ботиржонимнинг уйи шуми? — сўради у сўнгги юмушларни бажараётган усталардан.

Усталар кампирни дарров таниб, ҳовлига йўл кўрсатишди. У ҳовлида

оқшомни тебратялман
алла болам алла

Изтироби шаклида бармоқ товуши
силаиди юрагини шабнамнинг
тонгини тебратялман мен
алла болам алла

Юрагим йўрғакланган фаслда
кўзларим тиз чўқди офтобга
қўшни тебратялман
алла болам алла

Зил-замбил умидлар оғриғи
кемтилган қиргоғи дилимнинг
юрақини тебратдим мен
алла болам алла

Дарахт соясини силқитар сабо
тушимда йиғлайди тўлқинлар
денгизни тебратялман
алла болам алла

Ойнинг ўн бешиди кўзим қораси
қўлимда ловуллаган ҳаяжон
ерни тебратялман мен
алла болам алла

Кўзларим
муҳаббат чақурчалари
эҳтиромга тўла изтиробиларим
мени чақиради
сассиз саҳнадан
сўзинг сеҳрланган овози
қўлларимга оғирлик қилар
ҳади учун аталган гуллар
ана
чиқиб кетдим
мени танимас хона
томошабин курси
қўйиб юборди-гуссаларини
дарахт
фақат
чиқоқин дарахт
бирдай кузатади
тунни
ва
мени

яна одатдаги юмушларини бошлаб юборди. Уйнинг салобатю таровати-га қараб тўймасди. "Ботиржонимнинг уйи. Қандай кўркам уй. Умримиз қайси замонларда ўтиб кетибди-я, ҳай аттанг-а. Майли, берганингга, етказганингга шукур", дерди у ўзича мингирлаб.

Кўклар саболари эсиб турган кунларда улар янги уйга кўчиб келишди. Ботир яқинларни, дўстларю қўни-қўшилларни чорлаб ҳовли тўйи қилди. Райхон кампирнинг қувончи ичига сизмасди. "Ботиржонимнинг уйи, Ботиржонимнинг ҳовлиси", деган сўзни оғзидан қўймади у. Баъзан ҳаддан зиёд шодликни кўтариш учун ҳам одамоздга куч-қувват керак экан. Тўйдан сўнг кампир анча чарқоқни сездди. Бешиқдан тушганидан кейсайганига қадар зах далаларда усти юпун, оёғида йиртик қалиш билан юрганлари баралла кучини кўрсатди. У тўшакка оёқ узатди.

— Ботиржон, уйинг қутлуғ бўлсин, — деди у зўрға оғиз жуфтлаб. — Қаерда бўлсанг ҳам отанг ёққан чироқни ўчирма, болам.

Кейин уч кун бирор сўз демади, туз ҳам тотмади. Ниҳоят учинчи кун бир қултум сув ичди.

— Энди мендан рози бўлинглар, — деди кампир шивирлаб ва кўзларини оҳиста юмди.

Кампир қанчалик эзмадек туюлма-син, Ботир унга ўрганиб қолганини пайқайди. Бир умр ёнида юриб қадри биллимаган момо бир кунда ҳамма-ни соғинтирди. Ботир уйга кирса ҳам, ҳовлига чиқса ҳам бир нарса-сини йўқотган одамдек гангиб юрди. Ниҳоят бир кун саҳар чоғи ҳовлига чиқиб, ўз-қўлини юваётганида худди онаси ёнидан ўтиб кетгандек, унинг исини тўйди. У ярқ этиб атрофга аланглади, кампир йўқ, аммо ҳамон иси кезиб юрибди. У тўрт томонга жавдираб қаради, баҳор найсонлари тиниқлаштириб кетган ҳаводан тўйиб нафас олди ва шунда мана бу хид ҳовли этағидаги райхонлардан таралаётганини топди. У ўша ерга бориб, бир зум хаёл суриб қолди. Кейин бир неча райхонларни кафтига олиб, юзига босди ва сассиз йиғлади. Ботир шу тобда онасининг тиззасига бош қўйиб йиғлаётганини ҳис этарди. Гўё Райхон кампир боқий дунёга бир зум кетган-у, кейин райхонларга айлиниб қайтиб келганга ўхшарди.

Дуэт куйлаш дунёдаги барча халқларга хос бўлиб, унинг ўзига яраша қонунлари, сир-синаотлари бор. Ижронинг бу кўр-ниши опера, оперетта, мусиқали драмада кенг қўлланади. Аммо дуэтниинг замонавий эстрада санъатида тугган ўрни бўлачкан. Одатда икки хонанданинг ижодий ҳамкорлиги асосида яратилувчи кўшиқ ижрончиларнинг овоз имкониятлари бир-бирига мутаносиб бўлишини, кўшиқнинг матни адабий тил меъёрларига жавоб беришини талаб этади. Шунингдек, хонандалар ижодий маслақдош бўлиб, дуэт куйлаш маданиятига риоя қилишлари, устозлар анъанасига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари лозим.

Ўзбек эстрада санъатида дуэтниинг энг сара намуналари ўтган асрнинг 60-70 йилларида яратилиб, халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Айниқса, юртимизга эстрада санъати "хаво"сини олиб кирган буюк санъаткор Ботир Зокировнинг синглиси Луиза Зокирова билан ҳамкорликда куйлаган "Бахт қайдасан?" номили дилбар дуэти ханузгача халқимиз томонидан севиб тингланади. Ҳўш, бу дуэт муваффақиятининг сирини мадада эди? Аввало, ҳар икки хонанда бир-бирларининг ижодий имкониятларини яхши билганликларидан, шунингдек, кўшиқ матни чуқур лиризм билан сурориланглиги, гўзал ва жозибали ташбеҳлар билан бойитилганидан. Келинг, ана шу кўшиқ матнининг айрим парчаларини бир шингил ёдга олайлик. Ботир Зокиров "Бахт қайдасан, қани сени ёруғ қиёпанг?" деб зорланиб, қалбидан си-зиб чиқаётган оташин дардни авж пардаларда куйласа, унга жавобан Луиза Зокирова "Бахт қорли чўққиларда, дарёларда, куйланаётган кўшиқларда" деб хониш қилади. Ботир Зокиров ўзини хайратга солган жумбоққа жавоб излашда давом этади: "Қаҳрамон тоғ чўққиларига кўтарилади, дарёлардан ўтади, кўшиқлар яратади. Бахт ўзи қайдасан?". Луиза Зокированин келинги жавоби эса бир қарашда жуда жўн кўрингани билан аслида фалсафий маънога эга: "Мен ёнингдан, агар қурбинг етса, мени қувиб ет..." Эътибор беринг, бу икки хонанда нафақат ўз муҳлисига чиройли кўшиқ тақдим этишга, балки ижрога гоёвий-бадий моҳиятини ҳам юклашмоқда. "Бахт ва бахтсизлик ораси бир қадам. Шундай экан, бахтни олис манзилару бепоён кенгликлардан эмас, ён-веримиздан, атрофимиздан кидирайлик" деган теран фалсафа ушбу кўшиқ матнига сингдирилган.



Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарига келиб, дуэт куйлаш анъанасини замонавий эстрада намоёндалари чиройли тарзда давом эттиришди. Шу ўринда истеъдодли хонанданин Козим Қаймов ва Қумуш Разақова ижросидаги дуэтларни эслаш қифоя. Айнан шу йиллари миллий эстрададан Ботир Зокировнинг "Бахт қайдасан" дуэти ўша кезлари ёшлар орасида анча оммалашган эди. Тўғри, кўшиқ матни бироз саёз, енгил-елпидек таассурот уйғотиши мумкин. Қолаверса,

ган "Асло билмасин" дуэти ҳам халқ хулмига ортиқча баҳканалиқдан холи, силлиқ йўсинда ва энг муҳими, тингловчи гашига тегайдиган тарзда етказилган эди. Шу сабабли дуэт барчада ёрқин таассурот қолдирди. Бу ўринда матндаги енгил-елпидек хонанданин хўш овози, ўйноқи мусиқа тўлдирди, оханг жилolari билан бойитиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

Энди сўнги ўн йил ичида яратилган дуэтларга бир кўр назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қалай эътиборни тортадиган ижод намуналари йўқ эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Хонанда Равшан Собиров ва Собиқ "Сетора" гуруҳи ижросидаги "Хайр, мактабим" дуэти инсон умрининг унутилмас лаҳзалари — мактаб даврини таломлаб, катта ҳаёт сари шахдам қадам ташлаётган ўқувчи ёшлар қалбини тўлқинлантириб юборди. Озодбек Назарбеков ва Ирода Исқандорова томонидан куйланган "Сизда гағим бор" дуэти эстрадамизда миллий дуэт

ришни илтимос қилиб зорланган бўлса, бугун "Божалар" гуруҳи солисти Жаҳонгир Позилжонов ўзидан ҳеч қандай айбу нўксон қидирмай, дуэтдоши Нигорага қарата "Йирту шим қийиб юрсам нима қипти? Нимаси ёмон буни?" қабилда хониш қилмоқда. Тагин ўзининг "икки тилли ижодкор" эканига ургу бериш мақсадида "Дурдон ман сани, I love baby" деб муқом қилишига нима дейсиз? Дуэгда тилга олинмаган "дачалар"дан тортиб, "айрон, қаттиқ, гўжалар"гача қолмади. Энди дуэт ижодкорларнинг улар ўртасидаги муҳаббат қуруқ пучмоқдан иборат экани ҳақида ўз забонларидан янграган "икорнома"сига қулоқ туринг: "Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин. Бу номларни эшитганда ҳам-маннинг кўз ўнгидан гўзал муҳаббат жонланди. Шомурод ва Дурдонада эса улардан асар ҳам йўқ". Албатта, бу "Божалар" гуруҳи учун илк дуэт эмас. Сал аввал Манзура билан куйланган "Мадам" дуэти "ТВ" каналларида тинмасдан айланганлариди. Унда ҳам "ижод чаманига" гул бўла оладиган бирор та-мантлиқ жумлани учратиш қийин эди: "Мани мошинам, мани мошинам, биттасига ўтиринг мадам. Оширвордин-ку, ҳозирча дейман Good-bye". Райхон билан "Яллола" айтишиб, Рўхона билан "Чегара" қидириб чарчаган "Божалар" ханузгача ўзига муносиб дуэтдош топгани йўқ.

Эш хонанданин, бугунги тилимиз билан айтганда, ўз ижодий "карьера"сини мустақамлаш йўлида тажрибали санъаткорлар билан дуэт қилишни табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин. Аммо бу баъзи хонандаларга ижодий юксалиш учун эмас, шўхрат шохсупасига бенарвон чикиш учун кетар бўлмоқда. Яқинда эш хонанда Рўшона кўпчиликини лол қолдириб, жаҳон эстрада юлдузларидан бири Авраам Руссо билан дуэт қуйлади. Бугун бошли ижрони салкам отаси тенги кўшиқчи билан рақсга тушиб ўтказган хонанда дуэт куйлаш борасида устозшогирд анъаналари ҳақидаги ёрқин тасаввурларимизни "чилларчин" қилиб юборди. Йўқ, биз дуэт куйловчиларнинг ёши ҳам тенг бўлсин демоқчи эмасимиз. Аксинча, тажрибали хонандалар билан дуэт қуйлаш эш кўшиқчилар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши, уларнинг келгусидаги ижодий парвозига туртки бериши айни ҳақиқат. Бунга ёрқин мисол сифатида Ўзбекистон халқ артисти Ғулможон Ёқубов ва истеъдодли хонанда Зибда Ижросидаги дуэти келтириш мумкин.

"Қанот жуфт бўлади" дейди доно халқимиз. Бу икки қанотлар бир танда жуфтлашиб учун аввало ҳар икки хонанда бир-бирининг ижодини тушуниб, ўзаро ижодий маслақдош бўлиб кўшиқ куйлашса, мақсада мувофиқ бўлади. Дуэт куйловчи якка ўзи учун эмас, балки дуэтдоши учун ҳам ижод қиладди. Табиийки, ҳамкорликда қилинган ижод янада маъсулжиятчи. Чунки битта санъат асарига иккита ижодкор сайқал беради, тарози палласида икки инсоннинг меҳнати тортилади. Дуэтниинг муваффақияти қозониши ҳар икки ижодкорга боғлиқ, уларнинг меҳнати тарози палласида бирдек оқ босса, ҳаққий санъат асари — гўзал дуэтлар яратилади.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛАДИ

на иборат эди. "Унда нега ушбу дуэт оммалашиб кетди?" деб хайрат бармоқларини тишлашга шошилманг. Аслида халққил, оммабол санъат асари чуқур фалсафий моҳиятга тўйинган бўлиши доим ҳам шарт эмас. Буюк

ижро этиш борасидаги ижобий изланишлардан бири сифатида ёдда қолди. Сўнги йилларида эстрада санъатида, айниқса, шоу-бизнес оламида куйланаётган дуэтлар сони аввалгига нисбатан анча кўпайиб бораётгани кузатишмоқда. Бу ижодий ҳолат бўлса-да, сондаги ўсиш дуэтларнинг сифати ва савиясига салбий таъсир кўрсатаётгани ачинарли ҳол. Авваллари "юрк аютиб" дуэт куйлашга жазм қилган хонандалар йилда бир-икки марта топиладди, холос. Бирор хонанда ўзи ҳурмат қиладиган ҳамқасби билан дуэт куйлаш истагида бўлса, даставвал унинг ижодини бир неча йил давомидан мунтазам кузатар, ўз режасини обдон "пишириб", сўнгра тақлиф билан чиқарди. Таъбир жоиз бўлса, сахнадаги дуэтдан жанггоҳдаги дуэтқа қаби ҳайқишарди. Ҳозир эса дуэтниинг талабгорлари кўпайиб кетди. Ҳатто бир ўзи бир неча хонандалар билан дуэт қуйлаш салоҳиятига эга бўлган "универсал" ижодкорлар пайдо бўлди.

Хонанда Шаҳзоданин бир вақтлар Равшан Собиров билан куйлаган дуэтига ҳеч қандай эътироз бўлмаган эди, аммо кейинчалик Шоҳруҳ ва Шаҳриёр қаби ижодкорлар билан ҳамкорлиги натижасида пайдо бўлган кўшиқларда мантқиқ, дағал ва тумтароқ оҳанглардан бўлак нарсани пайқай олмадик. Райхон учун ҳам дуэт куйлаш анъанаси айланаб қолди. Ҳар йилги концерт дастурини у албатта бирорта ижодкор билан дуэт қуйлайди. Аммо тан олайлик, хонанданин "Божалар" гуруҳи, Даврон Эргашев, Сардор Раҳимхон ва Манзура билан куйлаган дуэтлари ўйинқароқ, шўх-шодон ёшларни жазавага тушириш воситасига айланган холос, улар-де эстрадамизда воқеа бўладиган юксак ижронинг "учқун"и ҳам сезилмади.

Бундан беш-олти йил аввал "Божалар" гуруҳи етакчиси Тоҳир Содиков хонанда Лоладан "Бўлажақ махбубидан камчилиги нимада" эканини айтиб бе-

ПАРИЗОД АЛИСАДАН КАМ ЭМАС

Бугунги кун болалари кечагидан фарқ қиладди. Уларнинг ўз қизиқишлари, идрок, орзулари ва янгиликни нағай олиш қобилияти ўзгача. Ёш томошабинларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, уларга мос ва қизиқarli сахна асарларини намоён этиш давр талаби.

Республика Ёш томошабинлар театри ҳамда Кўғирчоқ театри сахналарида ҳар жиҳатдан мукамал, бадий савияси юксак спектакллар кўпайиб учрайди. Жаҳон драматургиясининг энг сара намуналарига мурожаат қилиниб, улар замонавий талқин этилаётгани ҳам қувончи. Кейинги бир неча ойлик репертуарни кузатганимизда "Маликани ким кўтаради?" (М.Войтишко), "Нўхот бола" (В.Павловский), "Ғозча" (Н.Гернет, Т.Гуревич), "Сехрли дур" (Хитой халқ эртаклари асосида), "Пинокио" (К.Гольдони), "Уч қувнок чўқча" (С.Михалков), "Кичкина демаңг бизни" (В.Гауфман), "Қизил қалпоқча" ва "Золушка" (Е.Шварц) каби болаларнинг сеvimли қаҳрамонлари иштирокидаги воқеалар, сюжетлар асосига қурилган спектакллар театр репертуарларининг аксар қисмини ташкил қиладди. Бу асарлар болалар қалбидан улугворлик, самимият, эзгуликнинг ҳақиқа гoлиб келиши, яхшилик учун курашиш, баҳодирлик, мардлик туйғуларини

Луқма

оғзаки ижоди намуналари, дostonлар, эртаклар, маталлар асосида сахналаштирилган сахна асарлари болалар театри репертуарида кам учрайди. Шу йилнинг апрел, май, июн ойларида намоён этилган асарларни атрофлича ўрганиб чиқдик. Республика Кўғирчоқ театри репертуарида Э.Хушвақтовнинг "Чўп кўғирчоқ", Зулфиянинг "Се-мур" ва Н.Ҳабибуллаевнинг "Фотиманин сарғузашлари" қаби миллий руждаги сахна асарлари апрел, май ойларида бор-йўғи уч марта, июн ойида эса бир марта намоён этилган.

Бу ҳолатни Ёш томошабинлар театри мисолида ҳам кузатиш мумкин. Анвар Обиджоннинг "Мешполвон", Эркин Хушвақтовнинг "Халоллик тилаб кел-

дим", Тоҳир Маликнинг "Заҳарли томчилар" спектакллари апрел, май, июн ойи свансларида бор-йўғи бир ёки икки марта намоён этилган, холос. Демак, йилнинг чорак вақти давомида миллий драматургия хис-сасига тўғри келадиган асарлар анча тақчил.

Афсуски, халқ оғзаки ижодимиз, маданий меросимизнинг энг сара намуналари бўлган "Алломиш", "Гурўғли" қаби қаҳрамонлар ҳақидаги спектакллари бу икки театр репертуарида учратмадик. Тўрт ойлик рўйхат орасидан фақат биттагина "Зумрад ва Қиммат" эртаги асосида яратилган спектаклни топдик, холос. Аслида оғзаки ижодимиз намуналаридан эртаклар воқеалари сахна конун-қоидалари, драматургия талабларига тўла мос келади. Бундан ташқари, бахши айтимларининг ўзи алоҳида моноспектаклдир. Айниқса, лапарлари термалар, халқ кўшиқларида мусиқали театр учун асос бўларли жиҳатлар талай.

Қаҳрамонлик ва ватанпарварлик, улугворлик ва мардлик тим-соли бўлган Гурўғли Алломиш, Авазхон Рустамхон, Тумарису Широқлар жасорати улғайиб келаётган авлодда фаҳр ва ифтихор туйғуларини шакллантиради. Уч оға-ини ботирлар ҳақидаги миллий эртакларимиз, Ойғул билан Баҳтиёр эртаги Золушанин сарғузашлари қаби қизиқarli ва характерларга бой. Ёки "Сусамбил" эртагидаги образларнинг сарғузашли воқеалари Алисаннинг мўъжизалар мамлакатига бошидан че-чирган саёҳатлари қаби томо-



"Оппогой ва етти миттивой" спектаклидан кўриниш.

шабинбодир. Шундай экан, халқ оғзаки ижодимиз тўла ўрганилиб, томошабиннинг қизиқиши ва интилишларига мос шахнда сахналаштирилса, ўйлашимиз, бугун бўш вақтини компьютер ўйинларига сарфлаётган болалар учун фойдалан холи бўлмайди. "Оммавий маданият"нинг ёшлар онгига салбий таъсири ҳақида кўп айтилган. Бундай таъсирларга қарши курашиш, ёшлар онгига маънавий имму-нитет ҳосил қилиш учун бой маънавий, маданий меросимиздан тўла фойдалана олишимиз лозим. Нафақат сахна асарлари, балки мулфиллар, кино-филмлар яратиш вазифаси ҳам турибди. Маданиятлар аралашу-ви кузатилаётган бугунги шид-датли даврда миллат характери-нини акс эттирувчи, бадий савияси юксак асарларнинг аҳамият катта.

Шарофат ҲАЗРАТ қизи, журналист

шубҳасиз, баркамол инсонни тарбиялаш, шахс маънавий олами шакллантириш, ёшларнинг интеллектуал қобилиятини ўстиришда асосий омил бўлиб хизмат қиладди. Ўртбошимизнинг "Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган асосий вазифа ҳам аслида шундан иборат.

ЮКСАК МАЛАКА — МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ

Бошланғич билим бериш фаҳри.

Қарорда маданий-маънавий бойликларни асраб-авайлаш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадий ижод маҳоратини янада ривожлантиришга катта эътибор берилган. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон маданий-маънавий бойликларни беқиёс мамлакатлар сарасига қиради. Ҳозирги кунда республикамизда 7570 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Улардан 3945 таси ёки 52,1 фоизи археологик ёдгорликлардан иборат. 90 та музей фондларида 217 минг экспонат мавжуд. Биргина Ўзбекистон тарихи давлат музейида 60 мингдан ортиқ экспонатлар борлигининг ўзи халқимизнинг жаҳон цивилизациясида тугган макенини яққол намоён этади.

Мазкур қарорда театр, кино, мусиқа санъати, радио ва телевидение равақига алоҳида эътибор берилиб, бу соҳаларнинг ривожини миллий тараққи-ётининг муҳим омилларидан эканига алоҳида ургу берилиши бежиз эмас. "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига таъкидлаб ўтилган фикрлар театр соҳасидаги жараёнларни тўқис акс эттиради: "Театр санъатимизда ҳам бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуктаи назаридан бадий юксак асарлар, афсуски, кам эканлигини тан олишимиз лозим".

Мазкур фикрлар қано санъатидаги ҳақ бевоисита тааллуқи. Ўзбек миллий кино драматургиясини ривожлантириш, замонавий қаҳрамон образини ярата олиш салоҳиятига эга бўлган режиссёрларни тайёрлаш, шакллантириш, мўлтот маданий меросини тарғиб этадиган кино асарларини яратиш бугуннинг долзарб вазифалари сирасига қиради. Шу ўринда қуйидаги рақамларга назар ташлаш ўринли деб ўйлаймиз: Чехов асарлари 146, Пушкин асарлари 89, Гоголь асарлари 68, Достоевский асарлари 46, Толстой асарлари 44 марта сахналаштирилган экан. Дунёда асарлари энг кўп экранлаштирилган ижодкор Шекспир бўлиб, уларнинг сони уч юзтани ташкил этади. Шунингдек, Леонардо да Винчининг "Мона Лиза" портрети бўйича 2 та опера, 18 та китоб, 6 та трагедия, 8 та кинофильм яратилган. "Гамлет" асари тўғрисида 15 та илмий тадиқиқот олиб борилган. Рафаэлнинг "Сикстин мадоннаси" асари бўйича 40 мингта асар яратилган. Ўзбек миллий маданий меросида сахналаштирилиши ва экранлаштирилиши лозим бўлган, ҳар томонлама камол топган ёш авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган юзлаб асарлар бор. Бундай асарлар,


муҳим ҳужжат мустақиллик йилларида жамиятни маънавий жиҳатдан барқарорлаштириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг бевоисита давомидир. Зеро, мамлақатимизда маънавият-маърифатга давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бири сифатида қаралиши, миллий-маданий меросга алоҳида эътибор берилиши, демократик, ҳуқуқий давлатни ташкил этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда маънавий омилларнинг аҳамияти беқиёс эканини тан олиниши, аслида, маърифатли жамият куришининг ўқ илдизи ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг ташкил этилиши профессионал санъат ва маданият ходимларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга олиш имконияти ва салоҳиятига эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Бундай мутахассислар мамлакат мустақиллигини мустақамлаш, барпо этилаётган жамият маънавий пойдеворини қуришга қодир, ижтимоий-маданий муҳитни барқарорлаштирувчи ва шахс маънавий олами шакллантирувчи, инсон қалбини эзгулик, яхшилик, олийжаноблик, меҳр-шафқат қаби қадриятлар билан бойитувчи кишилар бўлиши керак.

Гулчеҳра УМАРОВА

МОВИЙ РАНГЛАР ЖИВАСИ

Жанубий корейлик рассом Юн Кенг А ўзбек тасвирий санъати билан яқиндан таниш. У Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга металл ишлов бериш сирларидан сабоқ берган. Ташкент Фотосуратчи уйда рассомнинг "Воҳа ва мовий ранг" номили кўрғазмаси намоён этилди.

Кўрғазма экпозициясида ўлтинга яқин зарғарлик намуналари ўрин олган бўлиб, уларнинг аксарияти кумушдан ясалган. Шарқ аёлларига хос нафосат билан



Кўрғазма залларида

ишланган тўғноғич, бўйин туморларда миллий ва замонавий ҳунармандчилик анъаналарининг уйғунлашувини кўриш мумкин. Жумладан, "Янги ой", "Ёввойи гуллар" номили зарғарлик буюмлари нафислиги, ўзига хос ишланиш услуби билан ажралиб туради. "Сабаб ва воқеа" туркумидан ўрин олган асарларда ижодкор фалсафий мавзуга мурожаат қилиб, ҳаётнинг жумбоқларга жавоб излайди. Юн Кенг А ўз асарларида нафақат корейлик, балки ер юзида яшаётган аёлларнинг орзу-умидларини ифодалашга ҳаракат қилган.

Сарвара КОСИМОВА

